Ушбу сонда:
2 ТАДБИРКОРЛИКНИ ЭРКИНЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ
3 TV-ДАСТУРИ
4 СПОРТ - СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 11 март, шанба №38 (870)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## НАВРЎЗ

### Ўтмиш билан бугунни камалак янглиғ бирлаштиради

***Муборак юртимиз бўйлаб баҳор ўз сепини ёймоқда. Истиқлолнинг тўққизинчи баҳори ўзи билан Наврўзи оламни - янги кунни, янги йилни олиб келяпти. Бу қутлуғ кун биз учун нақадар қадрдон, ҳаётбахш, дилларимизга яқинлигини сўз билан ифодалаш қийин.***

Тарихдан маълумки, эл-юрт, жамоатчилик хоҳиш-иродасига хилоф ишлар ҳеч қачон хайрли тугамаган. Кўп асрлар давомида бир қанча босқинчи қўшинлар (греклар, мўғуллар ва бошқалар) Шарқ халқларининг қадрдон байрами - Наврўзни йўқ қилишга ҳаракат қилдилар. Турғунлик даврларида ҳам маънавий қадриятлар гултожи - Наврўзни нишонлаш масаласида жиддий тўсиқлар пайдо бўлди. Уни эскилик сарқитига чиқариб, ёруғ санани бадном қилмоқчи бўлишди. Лекин қалбимизнинг бир парчаси янглиғ у яна яшашда давом этаверди, уни яксон қилмоқчи бўлганларнинг ўзлари хор-зор бўлдилар. Яратганга шукур, мустақил Ватанимизда Наврўз байрами кенг ва эркин нишонланаётир, халқ урф-одатларини сақлаш ва такомиллаштириш борасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилаётир.



Наврўз халқимизнинг энг қадимги, миллий, севимли байрамидир. Унинг шарофати ва хосияти шундаки, эҳтиром шоҳсупасини янада сарбаланд айлайди. Ўтмиш билан бугунни камалак янглиғ туташтиради.



Атоқли адиб Абдулла Қодирий айтганидек, «Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли», демакдир. Хосиятли, баракали келаётган истиқлолимизнинг тўққизинчи баҳори ўлкамизга олам-олам қувонч, эзгулик, қалбларимизга шуур бахш этиши, фаровонлигимиз янада ошиши шубҳасиз. Табиатнинг бугунги серишва жилоси ҳам, мамлакатимизда ҳукм сураётган ҳаёт жўшқинлиги, келажакка ва бугунги кунга қатъий ишонч ҳам шундан далолат бериб турибди.

Наврўз, Ўрта ва Яқин Шарқ, Марказий Осиё, Кавказ, Афғонистон халқларининг байрами ҳамдир. Олимларнинг таъкидлашича, бу қадимий - Йилбоши байрамининг тарихи хўжалик юритиш маданияти билан узвий боғлиқ.

Аввало, бу байрам табиат байрами, баҳор байрамидир. Наврўз қуёш тақвими ҳисобида, яъни ҳижрий-шамсий тақвими бўйича янги йилнинг бошланишидир. Қуёш ёки шамсий тақвимининг биринчи фасли баҳор бўлиб, унинг биринчи ойи ҳамалдир. «Ҳамал кирди - амал кирди» деган халқ нақли бор. Наврўз байрами 21 мартдан бошланса-да, удумга кўра, бир кун эмас, бир ой, яъни 21 апрелгача давом этади. Бу кунда кун билан туннинг фурсати миқдор жиҳатдан тенглашиб, бир хил бўлиб қолади; Наврўздан бошлаб, кун узайиб тун эса қисқариб боради. Улуғ Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида, Абу Райҳон Берунийнинг «Китоб ат тавҳим» («Тушунтириш») ва «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарларида, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк», Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома», Хожа Али Термизийнинг «Наврўзнома» рисоласида, Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» ва «Ҳазоинул-маоний» асарларида, Лутфийнинг «Гул ва Наврўз» ўлмас достонида ва бошқа асарларда байрам тўғрисида қимматли фикрлар билдирилган.

Наврўзи олам фақат баҳор байрамигина эмас, айни чоғда у табиат ва меҳнат, миллий ўйинлар, спорт ва ижодкорлик, одамийлик, меҳмондўстлик, эзгулик, меҳр-мурувват, санъат байрами ҳамдир. Ота-боболаримиз, байрам кунларида турли удум ва маросимлар ўтказишган. Деҳқонлар ерга қўш солишган, жамоа-жамоа бўлиб ҳашар-ошарлар уюштиришган. Ўтган аждодлар руҳи ёд қилинган. Оммавий равишда мевали, манзарали дарахт кўчатлари ўтказишган. Байрам кунлари ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ ён қўшни - жон қўшнилар бир-бирларини сийлаб ўз миллий таомлари билан шодиёнани биргаликда ўтказишган. Наврўз баҳонасида улар ўзига хос урф-одатларини, маданиятларини тўлдириб, бойитиб борганлар. Бундан халқлар ўртасидаги дўстлик-байналмилаллик қарор топган, янада мустаҳкамланган. Шу боис ҳозирги янгиланиш, демократиялаш жараёнида Наврўз байрами бир вақтнинг ўзида ҳам байналмилал дўстлик тарбиясига, ҳам нафосат тарбиясига, ҳам аҳлоқий ва ватанпарварлик тарбиясига хизмат қиладиган ажойиб маросимдир.

Шарқ тиббиётининг отаси Абу Али ибн Сино ўз асарида баҳор фаслини шундай деб таърифлаган: «Баҳор ўз мизожида бўлса, йил фаслининг энг яхшиси ҳисобланади. Баҳорда узоққа чўзиладиган касалликлар қўзғалади, чунки баҳор туриб қолган хилтларни юргизиб оқизади. Қишда таомни кўп еб, кам ҳаракат қилганларидан хилтлари кўпайган кишилар баҳорнинг эритиб, тарқатиши сабабли шу моддалардан қўзғаладиган касалликларга йўлиқувчан бўладилар. Агар, баҳор мўътадил бўлиб турган ҳолда, чўзилиб кетса, ёз касалликлари камаяди».

Одатда баҳор келиши билан кунлар исий бошлайди, шамол тезлиги ғоят ўзгарувчан бўлиб, эрталаб ҳаво очиқ, қуруқ бўлса, кундузи ёмғир ёғиши, намгарчилик кучайиши, кечга томон эса яна ўзгариши мумкин. Баҳор баъзан бир кеча-кундузда йилнинг тўрт фаслини эслатади. Шу сабабли баҳор келиши билан табиат уйғонади. Табиатнинг уйғониши сўзсиз соғлом кишиларга ижобий таъсир қилади. Лекин об-ҳавонинг тез ўзгариши, инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Донишмандлар: «Кўкламда илик узилади, ер одамнинг қувватини олади», дейишади. Олим, шифокор ва табибларнинг маълумотларига кўра, баҳорда киши саломатлигига якун ясалади, ким саломату ким дардманлиги шунда билинади. Ёзда, кузда, қишда истеъмол қилинган мева, кўкат ва сабзавотлар таркибидаги кўпгина дори-дармонлар, айниқса, A,B,C,P каби витаминларнинг ва бошқа минерал моддаларнинг баҳорга борганда қуввати қолмайди. Ваҳоланки, дармондорилар бардамлик, бақувватлик бахш этиб турадиган табиий дорилардир.

Одам ҳар фаслга, шунингдек, баҳорга ҳам аста-секин кўникиб бориши керак. Совуқ об-ҳаво организмнинг танобини тортувчи, ҳаракатга чорловчи табиий омил бўлса, иссиқ об-ҳаво юрак фаолиятини сусайтирувчи омиллардан ҳисобланади. Баҳор эрта келса, кунлар бирдан исиб кетса, киши ҳолсизланади, ўзини лоҳас сезади, «дармонсизлик, силланинг қуриши, бош оғриғи, бош айланиши» пайдо бўлади, деган эди Абу Али ибн Сино.

Аслини олганда, бу аломатлар организмнинг соф ҳаво, сифатли озиқ-овқатларга, витаминларга, минерал модда ва микроэлементларга муҳтожлиги белгисидир. Шунинг учун киши илик узилди кезларида кўкат, пиёз, саримсоқ, сабзи ва бошқа қуритилган меваларни мунтазам истеъмол этиши керак. Баҳорда оғзига кўк теккан сигир, эчки, қўй, бия, туя сутларини ичиш, ровоч, исмалоқ, ялпиз, жағ-жағ, беда, отқулоқ, қоқи ва бошқа барра ўтгиёҳ қўшилган сомса, чучвара, манти, нон ва райҳон солинган таомларни еийш жуда фойдалидир. Булардан ташқари, сумалак ва ҳалим каби малҳам таомлар инсонларга куч-қувват бағишлайди. Сумалак кўплаб касалликларга даво бўлувчи кони ҳикматли таомдир.

**Сафар МУҲАММАДИЕВ.**

## «АСРАГАЙМИЗ ОНА-ВАТАННИ»

Фарғонада Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга пухта тараддуд кўрилмоқда.

- Гўзаллик, бунёдкорлик ва меҳр-мурувват байрамига атаб «Асрагаймиз она Ватанни» деб номланган қизиқарли дастур ҳозирлаяпмиз, - дейди Фарғона вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Тўлқинжон Собиров. - У байрам куни вилоят марказида намойиш этилади. Бу йил Юртбошимиз ташаббуси билан «Соғом авлод йили» деб эълон қилингани боис дастуримизга «Бизни кутар буюк келажак» деб номланган бадиий композиция ҳам киритилган. Айни пайтда вилоятимизда фаолият кўрсатаётган корейс, рус ва немис маданият марказлари жамоаларининг чиқишлари Наврўз урф-одатлари, анъаналари, миллий ўйинлари билан уйғунлашиб кетади. Байрам томошалари вилоят санъат усталари ва ёш ижрочиларининг «Оламга таралсин наволаримиз» деб номланган чиқишлари билан якунланади.

## РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Унда прокуратура идораларининг мамлакатда қонунчиликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасида ўтган йилги иш якунлари ва жорий йилдаги вазифалари муҳокама этилди. Республика Бош прокурори Р.Қодиров маъруза қилди.

Мажлисда ўтган вақт мобайнида республика прокуратураси идоралари томонидан мамлакатимизда қонунчиликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Шу билан бирга мажлисда прокуратура идоралари фаолиятидаги мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўлларига эътибор қаратилди. Жиноятчиликнинг, шу жумладан унинг диний экстремистик кўринишларининг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар фаолиятини тўғри ташкил қилиш ва бу йўналишда фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар қўмиталари каби жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада яхшилаш зарурлиги қайд қилинди.

Мажлисда вилоят, туман ва шаҳар прокурорларига қишлоқ хўжалиги, айниқса деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантириш, кам таъминланган оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни ҳамда бозор муносабатларини тараққий эттириш, иқтисодиётимизга чет эл сармоясини кенг жалб қилиш сингари муҳим соҳалардаги ҳар қандай қонунбузарликларга бутунлай барҳам бериш юзасидан зарур чоралар кўриш вазифаси топширилди. Айниқса иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлар фаолиятига назорат идораларининг, хусусан прокурорларнинг ноқонуний аралашувига қатъий чек қўйиш юзасидан талаблар қўйилди. Мамлакатимизда 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан бу борада прокуратура идоралари олдида турган долзарб вазифаларнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Мажлисда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**(ЎзА).**

## НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ СЕМИНАР

Ўзбекистон Банклари Уюшмасида Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда ташкил этилган ўн кунлик семинар ўз ишини бошлади. Семинар бозор иқтисодиётига ўтаётган Осиё давлатлари банк соҳаси мутахассисларига мўлжалланган бўлиб, ундан кўзланган мақсад тижорат банклари ходимларининг касбий малакасини оширишдир.

Ўн кун давомида Германия Банк академиясидан ташриф буюрган маърузачи Т.Зермерсхайм республика банкларининг етакчи мутахассисларини халқаро банк амалиётида қўлланадиган назарий билимлар билан таништиради. Бироқ, семинар бу билан якунланмайди. Ташкилотчиларнинг мўлжалига кўра, банкирлар маърузалардан сўнг олган билимларини амалда қўллаш учун ўз иш жойларига қайтади. Бир ярим ойдан сўнг улар олган билимларини ҳар кунлик банк амалиётида қўллаш жараёнида юзага келган муаммо ва таклифларни муҳокама қилиш учун навбатдаги семинарга йиғилади.

Ташкилотчилар бир нечта шундай семинарлар ўтказишни режалаштирган бўлиб, уларда иштирок этиш учун мамлакатдаги барча банклардан мутахассислар жалб этилади.

## КИМОШДИ САВДОСИ

Яқинда Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят шоҳобчаларида кимошди савдолари бўлиб ўтди. Ишбилармон ва тадбиркорларга ер майдонлари, қурилиши тугалланмаган бинолар, АЁҚШлар, банкрот бўлган корхоналар, ўрта ва кичик корхоналар, савдо ва маиший хизмат иншоотлари, уй-жой, автоуловлар ва бошқа мулклар таклиф қилинди.

Ҳафта давомида 311 та турли кўчмас мулк ишбилармонлар ихтиёрига берилди. Уларнинг биржадаги сотув ҳажми 103 миллион 944 минг сўмдан иборат бўлди. Кимошди савдолари орқали 174 та мулк 85 миллион 327 минг сўмга, биржа савдоларида эса 137 та мулк 18 миллион 617 минг сўмга сотилди. Объектлар, умумий сотилган мулкларнинг сон бўйича 56 фоизни ташкил этди.

Сотилган мулк сони бўйича биржанинг Наманган вилояти филиали юқори кўрсаткичга эришди. Шохобча 72 та мулкни 25 миллион 660 минг сўмга пуллади. Сумма бўйича эса Тошкент вилояти шохобчаси биринчиликни эгаллади. Яъни, 28 та иншоот 36 миллион 959 минг сўмга сотилди.

***Ўзбекистон Фан ва техника давлат қўмитасининг илмий-техник ахборот давлат жамғармаси «Кичик бизнес учун техника ва технология» деб номланган маълумотномани босмадан чиқарди. У «Евразия» жамғармаси иштирокида тайёрланди.***

## ТАДБИРКОРГА ЁРДАМ

Тадбиркорларга мўлжалланган бу маълумотнома уларнинг яхши кўмакчисига айланиши лозим. Унда мамлакатимиз олимлари, тадқиқотчилари, инновацион илмий ташкилотларининг кичик ва хусусий бизнес корхоналарига замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкониятини берувчи янгиликлари қисқача баён қилинган.

Энди бундай маълумотномалар ҳар йили чоп этилади. Уни тузувчиларнинг фикрича, янги корхона олдида турадиган асосий муаммолардан бири - кам харажат билан кўп фойда берувчи ишлаб чиқариш технологияси ва ускуналарини излаш ҳамда тўғри танлашдан иборат. Янги маълумотнома худди шу муаммони ечишда тадбиркорга ёрдам беришга мўлжалланган.

*Қишлоқ оқшомлари нега зерикарли?*

## ЎЙИНГОҲНИ БУЗМАНГ, РАИС!

Ҳозирги кунда барча ерда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор берилаяпти. Йигит ва қизларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишлари учун республикамиз раҳбарияти кенг кўламли тадбирларни амалга оширмоқда. Мустақиллик шарофати билан жисмоний тарбия ва спортга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Энди ўз спортчилари билан ҳақли равишда фахрланаётган хўжаликлар, корхоналар оз эмас.

Бахтга қарши Денов тумани аксарият хўжаликларининг раҳбару мутахассислари «ёшларга барча шароитларни муҳайё этдик», дея мақтанишолмайди. Гап шундаки, муҳим ишга кимлардир ҳамон панжа орасидан қарашмоқда. Раислар асосан режани бажариш ҳақида бош қотиришади. Очиғроқ гапирганда, улар кўпроқ мансаблари ташвишида бўлишаяпти. Акс ҳолда ёшларнинг ўринли таклифлари, эътирозларига аллақачон қулоқ солишган бўлишарди.

Қишлоқ ёшлари ҳам унумли меҳнатдан сўнг кўнгилли дам олишни, кинотеатрларга тушишни, стадионларда турли мусобақалар ўтказишни хоҳлашади. Ахир ҳаёт фақат ишлаш учун берилмаган-ку?! Ҳалол меҳнатнинг ҳузурини ҳам кўриш керак. Денов туманидаги Ш.Рашидов номли ширкат хўжалигида бўлганимизда юқоридаги фикрлар хайёлимизда жонланди. Хўжаликда 651 гектар майдонда деҳқончилик қилинади. Ҳамма ўз вазифасини имкон қадар сидқидил бажармоқда. Фақат бу ерда оқшомлар жуда зерикарли ўтади. Боиси, кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун имконият йўқ. Бир вақтлар бунёд этилган маданият саройи харобага айланган. Клуб бечораҳол тарзда кўзга ташланиб турибди. Унга кираверишдаги жойда қоровул Бўрихол Холматовнинг моллари бойлоғлиқ. Таажжубки, бир хонага ем-хашак уюлган. Клуб ичкарисига киришга ийманасан киши: чиқиндилар уюлиб ётибди, хоналар қоронғу, эшик деразалар қийшайиб кетган.

Хўжалик мутасаддилари «Соғлом авлод йили»да ундай қиляпмиз, бундай қиляпмиз деб тоза мақтанишди. Бироқ амалда эса бунинг аксини кўрдик. Жисмоний тарбия, спорт-соғломлаштириш ишлари ўлда-жўлда. «Оққўрғон» маҳалласидаги туман бўйича иккинчи ўринда турувчи ажойиб футбол майдонида узоқ вақтдан буён турли спорт тадбирлари, умумхалқ байрамлари ўтказилиб келинарди. Аммо ана шу ажойиб стадионни бузишга жазм қилишибди. Буни эшитган ёшларнинг тинчи бузилган. Улар газетадан келганимизни эшитиб, дардларини тўкиб солишди.

- Ўйингоҳимиз Ш.Худойбердиев номли деҳқон-фермер хўжалиги ҳисобига ўтиб кетган эмиш. Эндиликда унинг раҳбари Ашур Худойбердиев стадионни бузиб, бошқа жойдан қурамиз, деб қўйинимизни пуч ёнғоққа тўлғазаяпти, - дейди ишчи Эргаш Файзуллаев.

- Дам олиш соатларини мазмунли ўтказишда биргина шу стадион асқотяпти, бизни спортдан бебаҳра қилманг, дея неча бор Ашур акага юзлансак-да, фойдаси бўлмаяпти, - фикрини ифодалайди Рўзибой Пардаев. - Қаранг, бизни совутиш учун бир кечада ўйингоҳдаги дарвозанинг темир устунларини йўқ қилишибди.

Хўжалик бошқаруви раиси Бахтиёрбой Чориев билан юзма-юз бўлиб, юқоридаги ҳолатга қандай муносабатда эканлиги билан қизиқдик. У ойлик-маош, нафақа пули ҳақида бош қотираётганлиги, маданий-маиший, спорт ишларига навбат ҳали келмаганлигини таъкидлади...

Булар шунчаки баҳона. Агар иштиёқ, интилиш, масъулият ҳисси бўлса ҳаммасининг уддасидан чиқса бўлади. Ҳали бирор хайрли ишга қўл урмай тайёр стадионни бузишга бел боғлаган хўжалик раҳбарининг иши чинданда ажабланарли. Ёшлар адолатли саволни кўндаланг қўйишди: қачонгача қишлоқ оқшомлари зерикарли ўтади?

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Газетхон илтимосига кўра*

***Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштириш кенгаши йиғилишидаги маърузасида давлатнинг назоратчилик, бошқарувчилик функциясини қисқартириш, унинг корхоналар, хўжаликлар фаолиятига, биринчи галда хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклашни иқтисодиётни эркинлаштириш йўлидаги асосий вазифалардан бири деб таъкидлади. Айни вақтда давлатимиз раҳбари кичик ва хусусий корхоналар ташкил этиш, бу тизимнинг самарали ишлаши учун шарт-шароит яратиш, уларнинг фаолиятини текширувчи, назорат қилувчи турли идоралар фаолиятини тартибга солиш зарурлигини алоҳида уқтириб ўтди. Мақсадга эришишда Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳисобот беришини қисқартириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.***

# ТАДБИРКОРЛИКНИ ЭРКИНЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Савол туғилади, хўш, нега хўжалик юритувчи субъектлар тизимида айнан кичик ва ўрта бизнес корхоналарига алоҳида эътибор берилаётир? Бунинг қатор сабаблари бор. Биринчидан, гигант, улкан корхоналарга нисбатан кичик ва ўрта бизнес бозор муносабатларининг ўзгарувчан шарт-шароитларига тез мослашади. Иккинчидан, айрим соҳалар, масалан, савдо, маиший хизмат, қишлоқ хўжалигида айнан кичик ва ўрта бизнес корхоналари асосий юкни ўз зиммасига олишга қодир. Учинчидан, биз назарда тутаётган корхоналарда ишловчилар сони қатъий чекланган, боз устига ҳар бир ишчи ҳисобда. Табиийки, уларда фаолият юритаётган раҳбарлар ҳам кўп ҳолларда бошқарув, маъмурий-молиявий ҳисоботлар, ҳужжатлар юритиш ишлари билан банд бўлади. Бир вақтга келиб раҳбар асосий ишдан чалғийди, оқибат-натижада жамоа умумий фаолиятига салбий таъсир ўтказади, унумдорлик пасаяди. Расмиятчилик, тўрачилик авж олган шароит юзага келганда эса раҳбар сарсон бўлиши, кимнингдир кўнглини топиб, муаммони ҳал этиш учун қимматли вақтни бой бериши мумкин. Иш бароридан келмаса, тадбиркор безиб қолади, бунинг оқибатида у ўз корхонасини ёпишгача боради.

Юқоридаги каби сабаблар инобатга олиниб, кичик ва ўрта корхоналар, микрофирмалар томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар соддалаштирилди ва қисқартирилди. Эндиликда улар ҳисоботларни фақат жойлардаги давлат статистика, солиқ органларигагина белгиланган шаклда тақдим этадилар. Бошқа ҳеч қандай идора улардан ҳисобот талаб қилишга ҳақли эмас.

Микрофирмалар, кичик корхоналар йилнинг ҳар чорагида, яъни ҳар уч ойда бир марта ҳисобот тақдим этадилар. Зеро, Вазирлар Маҳкамаси қарорида ҳам тегишли идоралар зиммасига мумкин қадар қисқартирилган, соддалаштирилган ва муҳим томонлардан бири — бирхиллаштирилган ҳисобот шаклини ишлаб чиқиш топширилган.

Ҳеч қандай давлат идораси микрофирмалар, кичик, ўрта корхоналардан қандайдир қўшимча ҳисоботлар талаб қилишга ҳақли эмас. Шуни алоҳида ёдда тутиш керакки, вазирликлар, идоралар ҳеч қандай қўшимча ҳисоботлар тақдим этилишини назарда тутувчи кўрсатмалар, меъёрий ҳужжатлар чиқаришлари таъқиқлаб қўйилди.

Бирор давлат идораси томонидан ўзбошимчалик билан юқоридаги талабларга зид равишда иш юритилиши қонунбузарлик сифатида қораланади ва прокуратура идоралари бунда айбдор бўлган шахсларни юридик жавобгарликка тортишга даъват этилганлар.

Микрофирма ва кичик бизнес корхоналар доираси ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак. Ўзбекистон Республикасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисидаги Қонуни»нинг иккинчи моддаси биринчи қисмига асосан қуйидагилар кичик бизнес субъектлари ҳисобланадилар:

Мулк шаклидан қатъий назар, ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони ўн кишигача, савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида беш кишигача бўлган микрофирмалар;

Мулк шаклидан қатъий назар, саноат соҳасида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони қирқ кишигача, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида йигирма кишигача, фан, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо, ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида ўн кишигача бўлган кичик корхоналар.

Вазирлар Маҳкамасининг 65-сонли қарори иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди. У тадбиркорларга руҳ, мадад бағишлади.

**У.БОЗОРОВ,**
**ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази раҳбари, юридик фанлари номзоди,**
**О.ОҚЮЛОВ,**
**юридик фанлари номзоди.**





Бувайдалик Раҳматали Йигиталиевни фарғоналиклар ишбилармон, тадбиркор раҳбар сифатида яхши билишади. У 1990 йил кичик корхона очиб, ўз фаолиятини бошлаган эди. Изланиш, ҳаракати туфайли кичик корхона бугунга келиб «Гилам» саноат савдо жамоа корхонасига айланди. Ҳозир бу ерда 160 дан зиёд ёшлар меҳнат қилмоқда. Корхона ҳар йили 5000 квадрат метр гилам маҳсулотлари, 20 минг погонаметр бахмал ишлаб чиқариш қувватига эга.

***Суратларда: 1. Моҳир ишчи Садоқат Тожиева. 2. Бахмал тўқиш цехи.***

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

# АДОЛАТ ТИКЛАНДИ

Газетамизнинг шу йил 19 феврал сонида «Беписандлик» сарлавҳаси остида чоп этилган мақолада қирқ йилдан бери «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамиятида провизор-технолог бўлиб фаолият кўрсатган Нурилла Матёқубовнинг ишдан ноқонуний бўшатилгани хусусида танқидий фикрлар билдирилган эди. Қизиғи шундаки, ҳиссадорлик жамияти раиси Д.Ибодуллаев ҳатто Н.Матёқубовнинг олти йилдан бери жамият касаба уюшма қўмитасининг раиси бўлиб бенуқсон ишлаётганлигини ҳам ҳисобга олишни лозим топмаган.

Таҳририятимизга мазкур мақола юзасидан жавоб йўллаган Хоразм вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси М.Юсуповнинг маълум қилишича, ноқонуний равишда ўз лавозимидан бўшатилган Н.Матёқубов вилоят «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамияти 2-бўлими мудири вазифасига тайинланган. Мажбурий ишсиз юрган даврида унга етказилган зарар тўла ундириб берилган.

# ЖАРИМА УНДИРИЛДИ

Хом сут эмган бандаси баъзан «қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйганини» ўзи ҳам сезмай қолади. Кейинги пушаймон эса ўзингга душман.

Нишон пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамиятида солиқ қонунларига амал қилиш соҳасида ўтказилган текширишларда 12971,6 минг сўм яшириб қолинган фойда аниқланди. Ҳужжатларни синчиклаб ўрганиш натижасида 52846,1 минг сўм қўшимча тўловлар ҳисобланди.

Бундай мисоллар яна топилади. Шаҳрисабз туманидаги 1-механизациялашган кўчма жамланма, Қарши шаҳридаги «Каш ТЕКС» ҳиссадорлик жамияти, «Токио», «Гулистон» хусусий фирмаларида ўтказилган тафтишларда ҳам катта миқдорда солиқ ва тўловлар ҳисобланиб, уларга молиявий жарималар қўлланилди.

Ўтган йил мобайнида вилоятдаги 3500 дан ортиқ корхона ва ташкилотда солиқ қонунчилиги бузилганлиги қайд қилинди. Озмунча эмас, қарийб 925 миллион сўм миқдорида қўшимча солиқ ҳисобланди. Давлат бюджетига 784 миллион сўмдан ортиқ молиявий жарима ундирилди.

**Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ.**

# САНАЦИЯ

## иқтисодиётни ўнглашда янги имкониятлар яратди

Ҳамма нарса пировард натижада иқтисодиётга боғлиқ. Буни биз хўжалигимиз мисолида чуқур тушундик. Тўқсонинчи йилларнинг бошида хўжаликда ишлаб чиқариш оқсай бошлади. 1997 йилга келиб аҳвол янада оғирлашди. Бу пайтда хўжаликнинг қарийб 30 миллион сўм қарзи бўлиб, йил 5 миллион сўм зарар билан якунланди. Шу сабабли хўжалик аъзолари ва қишлоқ аҳолисининг моддий манфаатдорлиги, турмуш даражаси пасайди. Ижтимоий масалаларни ҳал этиш имконияти чекланди. Бундай вазият хўжалик касаба уюшма ташкилотининг фаолиятига ҳам таъсир кўрсатди. Очиғи, жамоа шартномасидаги мажбуриятлар, тадбирлар қоғозда қолиб кетарди.

Ўша йил натижасига кўра хўжалигимиз санацияга тушди. Ҳукуматимизнинг иқтисодиётни ўнглашга қаратилган бу тадбири хўжалигимиз учун янги имкониятлар очди. Хўжаликка ташқи бошқарувчи этиб тайинланган ёш мутахассис И.Қўчқоров давр талабини, меҳнаткашларнинг дардини чуқур англади. Аввало, меҳнаткашлар ва оқсоқоллар билан фикрлашиб, дастлабки ишни ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришдан бошлашга келишилди. Пудрат усулининг амалий қўлланилиши, ҳисоб-китобларнинг пухталиги туфайли меҳнат самараси тезда кўрина қолди. Барча соҳаларда баракали хирмон кўтарилди. 1997 йилда пахта ҳосилдорлиги ўртача 17 центнер бўлган бўлса, 1998 йилда 28,7, 1999 йилда 34 центнерга етди. Шу давр ичида ғалла ҳосилдорлиги 11 дан 48 центнергача кўтарилди. Натижада хўжалик барча қарзлардан қутулиб, иқтисодиётни барқарорлаштириб олди. Йил сайин олинадиган фойда миқдори ошиб борди.

Иқтисодий ўнгланиш ижтимоий соҳага эътиборни қаратишга, бошқача айтганда, жамоа шартномаси бажарилишига имкон берди. Шу туфайли, аввало, иш ҳақидан қарзлар узилди, мукофот тариқасида илғорларга маҳсулот тарқатилди. Манфаатдорлик ошгач, хўжалик аъзоларининг меҳнат унумдорлиги яхшиланди. Деҳқонларнинг турмуши кун сайин фаровонлашиб борди. Қарс икки қўлдан, деганларидек ҳозирги кунда хўжалик бошқаруви аъзолар учун ғамхўрликни кучайтираяпти. Жумладан, ўтган йили 5,5 км узунликдаги газ қувури тортилиб, хўжаликка зангори олов келтирилди. Айни вақтда хонадонлар газлаштирилмоқда. Қишлоқлардаги маиший хизмат масканлари, маданият муассасалари ишлай бошлади. Ушбу масалалар хўжалиқ касаба уюшма қўмитаси йиғилишларида муҳокама қилиниб, жамоа шартномасига киритилганидан ва амалда бажарилаётганидан биз ҳам хурсандмиз.

Қисқаси, жамоамиз аниқ мақсадни кўзлаб ишламоқда. Биз эса хўжалик бошқаруви билан биргаликда меҳнатни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимоялаш, соғломлаштириш тадбирларини янада юқори поғонага кўтаришни мўлжаллаяпмиз.

**Ш.ТОЛЛИЕВ,**
**Иштихон туманидаги «8-Март» жамоа хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси.**

# КЎРКАМ БОҒЛАР

Бўзатов тумани ўрмон хўжалигида кўчат ўтказиш мавсуми ўтган йилга нисбатан бир ой олдин бошланди. Ўрмончилар қисқа муддатда 10 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазди. Мўлжал - 200 минг тупга яқин кўчат ўтқазиш.

Бўзатовлик ўрмончилар кўчат ўтқазиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш билан бир қаторда салкам 17 минг гектардаги табиий тўқайзорни парваришлашни ҳам изчил олиб боришмоқда.

# ЗАВОД ҚУВВАТИ ОРТМОҚДА

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» компанияси ўтган йилдан бошлаб четдан авиакеросин олмайдиган бўлди. Бунда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг катта ҳиссаси бор. Корхона мамлакатимиз ҳаво транспортида ишлатиладиган ёнилғининг 80 фоизга яқинини етказиб бермоқда.

Умуман, бухоролик нефтни қайта ишловчиларнинг 1999 йилги ютуқлари анча салмоқли. Бензин ишлаб чиқариш аввалги йилга нисбатан 105,5, дизель ёнилғиси 131,4, суюлтирилган газ 163,2 фоизга ўсди. Шартномавий нархларда 56 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берилди. Хорижга 37 миллион доллар миқдорида ёнилғи экспорт қилинди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, нефтни қайта ишлаш заводи Бухоро вилояти иқтисодиётида етакчи ўринга чиқиб олди.

*Муаммо кўндаланг қўйилади*

# ФЕРМЕР НЕГА БОЙИМАЯПТИ?

***Тадбиркорлик тараққиётнинг энг асосий таянчларидан бири эканлигига асло шубҳа йўқ. Шу боис ҳам тадбиркорларга барча имкониятлар яратиб берилмоқда. Шунга қарамасдан улар баъзан сунъий тўсиқларга, ҳуда-беҳуда ташвишларга ҳам дуч келишмоқда. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида ҳам гапирилди. Ҳаёт ҳақиқатини тан олмасдан иложимиз йўқ. Жойларда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фермерлар эҳтиёжини қондиролмаётгани сир эмас. Уларга маҳсулот пули вақтида тўланмаётгани, МТПлар техника ажратолмаётгани ва бошқа шунга ўхшаш муаммоларни ошкора айтиш фурсати етди.***

Тошпўлат Ҳукимов «Оқ чашма» фермер хўжалигини 1992 йилда Нуробод туманидаги «Улус» ижара хўжалиги ҳудудидан 5 гектар сувли, 50 гектар лалми ер олиб ташкил қилди. Дастлабки вақтда фермер хўжалигида 17 бош қорамол бор эди. Ҳозир 10 бош қолган, холос. Ўтган йилги соф фойда 280 минг сўмни ташкил этди. Бу маблағ тадбиркорлик фаолиятини тез суръатларда ривожлантиришга имкон бермайди, албатта.

— Биз ўзимизга билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қилаяпмиз. Сувли майдонларга асосан буғдой, алмашлаб экиш қоидасига кўра макка экамиз, - дейди фермер. — Лалми ерларнинг 20-25 гектари ҳар йили агротехника қоидаларига кўра «дам олдириш»га қолдирилади. Бундан ташқари лалми ерларда кунжут, нўхат каби экинлар ҳам етиштирилади. Чорвачилик ҳам самара бераяпти. Сигирлардан кунига 15-20 литр сут соғиб олаяпмиз.

Очиғини айтганда, ҳамма гап техника етишмаслигига бориб тақалади. Агротехника қоидаларига амал қилинса, лалми ерларда 10-12 центнер, сувлида 50 центнергача ғалла етиштирса бўлади. Бунга эришаяпмиз ҳам. Ғалла ўримига яқин қолганда ўтказиладиган ўлчов-синов (опробация) шундан далолат беради. Аммо туман машина-трактор саройи томонидан ўрим комбайнлари ўз вақтида ажратилмагани сабабли ҳосилнинг муайян қисми тўкилиб кетади. Умуман, фермерларга баъзида ўгай кўз билан қарашаяпти. Акс ҳолда жамоа ва ширкат хўжаликларининг ғалласи тўлиқ ўрилиб бўлмагунча фермерларга комбайн ажратмай туришармиди? Шунинг учун МТП ва бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотларга ишончимиз сўниб бораяпти.

Баҳорнинг бир куни йилга татийди, деган гап бор. Лалмикорликда бу айниқса муҳим. Ҳуллас, баъзида ўз ёғимизга ўзимиз қовурилиб қолаверамиз. Истардимки, уруғлик, техника, эҳтиёт қисмлар, ўғит, ёқилғи каби ишлаб чиқариш учун зарур воситалар хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг омборида етарлича ғамланиб, керакли вақтда пулини тўлаб улардан фойдалансак. Афсуски, ҳозирги пайтда пул ўтказиш йўли билан иш битиши қийин. Бошқача айтганда шартномалар тўлиқ бажарилмаяпти. Натижада биз нақд пул тўлови ҳисобига хизматчи ёки техника ёллашга мажбурмиз. Шу боис молларни бозорда сотиб, пулини хўжалик ишларига сарфлашга тўғри келмоқда. Моллар бош сони камайганининг сабаби ҳам шунда.

Бу гаплар бежиз айтилмади. Чунки биз жуда кўп фермерлар хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг фаолиятидан қониқмаётганини биламиз. Ортиқча ташвиш, сарсонгарчиликлар давом этаяпти. Бизнингча, хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг яккаҳокимлигига барҳам бериш керакка ўхшайди. Ҳар бир туманда битта МТП, битта «Агрокимётаъминот» бирлашмаси бор. Фермерда эса танлаш имконияти йўқ.

— Фермер оладиган фойданинг кўпайиши бир жиҳатдан шунга ҳам боғлиқ. Харажатни бироз камайтириш учун нақд тўловга асосланган ёлланма меҳнатдан фойдаланамиз. Бироқ лалми деҳқончиликда бу усул ҳам самара бермаяпти.

* * *

Туман марказидан анча олисдаги Шўрча қишлоғида ғайратли бир йигит яшайди. У киши «Шўрча» фермер хўжалиги раҳбари Фазлиддин Эшпўлатовдир. Уни тумандаги фермерлик ҳаракатининг қалдирғочи деса бўлади. 1991 йилда фермер хўжалигининг 35 гектар лалми ери, 60 бош қўй-эчкиси, 7 бош қорамоли бор эди, холос. Йиллар самарали меҳнат билан ўтди. Беш-олти йил ичида қорамоллар ва қўй-эчкилар сони ортди. Шулардан келган фойда ҳисобига фермер хўжалиги учун «МТЗ-80», «Алтай» занжир ғилдиракли тракторлари ва бошқа ускуналар сотиб олди. Олинган фойда ҳисобидан қишлоқдаги бошланғич мактаб биноси қурилишига, газ таъминотига имкон қадар кўмаклашилди. Уч йилдирки, шу мактабга ва Нуробод туман нефт маҳсулотлари базаси жамоасига ҳар куни келишилган миқдорда сут етказиб берилмоқда.

Ҳозир хўжаликнинг қарийб 100 гектар лалми ери, 30 дан зиёд қорамоли, 250 дан зиёд қўй эчкиси бор. Ўтган йили тадбиркорлар 25 тонна ғалла, 3 тонна масхар, 4,5 тонна сут, 1 тонна гўшт, 500 килограмм жун ишлаб чиқаришди. Қорамоллар 8 бошга, қўй-эчкилар 120 бошга кўпайди. Соф фойда 800 минг сўмдан ошди. Эришилаётган натижалар яхши. Лекин...

- Кўпгина юмушларни ўз техникаларимиз ёрдамида бажарамиз, — дейди Ф.Эшпўлатов. — Аммо ғалла ўримида МТП раҳбарлари вақтида комбайн ажратмай панд бериб қўйишаяпти. Ҳосил тўкилиб кетаяпти. Бундай масалаларда туман фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбари Эркин Суяров бизнинг манфаатларимизни ҳимоя қила олмаяпти. Бу уюшма ҳатто ўтган йили топширилган ғалламизнинг пулини ҳанузгача тўлагани йўқ.

Ҳозир хўжалигимизда бир тонна атрофида жун йиғилиб қолган. Уни на Келесдаги, на Бухородаги корхоналар қабул қилади. Бу аҳволда маҳсулот нобуд бўлиши мумкин. Ўтган йили фаолиятимизни янада кенгайтиришни ният қилгандик. Қорамол ва қўйни кўпайтириш учун икки миллион сўм кредит олишни мўлжаллаб, ҳужжат тайёрлашга киришдик. Қарийб олти ойдан бери ишимиз битмайди.

Фермер хўжалигидаги молларга шрот, шулха олиш учун «Каттақўрғон ёғ-мой» ҳиссадорлик жамиятига 1996 йил ноябрда 33 минг сўм нақд пул тўланган. Шу ҳисобдан фермер хўжалигига 1997 йил февралда 5 тонна шрот берилган, холос. Маҳсулотнинг қолган қисми ҳанузгача ажратилган эмас. Дарвоқе, мазкур ҳиссадорлик жамиятидан маҳсулот олиш ниятидаги кишилар бу корхонага қатнаб сарсон бўлаётганини шу томонга йўли тушганлар яхши билишади. Шу боис ҳиссадорлик жамияти, қолаверса, республика «Ёғмойтамакисаноат» корпорацияси раҳбарлари бундай ҳолга чек қўйиш чорасини топишса, айни муддао бўларди.

Фермерларнинг дарди кўп. Президентимиз дилимиз ва тилимиз учида турган кўплаб масалаларни жуда вақтида илғаб, юрт манфаати нуқтаи назаридан оқилона таҳлил қилиб бердилар.

Ҳақиқатан ҳам фермер ўғит, техника, ёқилғи ва ҳоказолар билан етарлича, ўз вақтида таъминланмаса, ўзлари ишлаб топган маблағларини вақтида ундиролмаса ва ундан эркин фойдалана олмаса ишлаб чиқаришни ривожлантириш қийин кечади.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

**ТАНЛОВ ШИОРИ:**
***Шу азиз Ватанни, азиз халқимизни, мусаффо осмонимизни ва она заминимизни ҳар қанча улуғласак, ҳар қанча куйласак оз!***

# «ОФАРИН»
## «Йилнинг энг яхши ижодкори» республика танлови

Шеърият учун ҳамма вақт муқаддас ва шарафли саналган мавзу — Ватан мавзуси бугун янада долзарб. Бу мавзуда қанча шеъру достон битилган билан у яна янгиланиб тураверади, янги-янги рамзлар топишга, янги ифодалар излашга ундайверади.

Ижтимоий мазмун касб этадиган Ватан ва халқ дарди шоирнинг хусусий дардига айланганида бадиий жиҳатдан юксак асарлар яралади. Шоирнинг жамиятдаги, ижтимоий ҳаётдаги фаолияти хусусийдир. Айни пайтда шоирнинг шахсий, ички дарди ижтимоийдир. Бу ўринда бирлик ва кўплик маънолари назарда тутилмоқда. Яъни битта инсон юрагига бутун бир халқнинг туйғулари, орзу ва армонлари жо бўлишини шоир сиймосида кўриш мумкин.

*Мен демасман бағри*
*куйган,доғ бўл,*
*Не буюрса матлабинг,*
*андоқбўл.*
*Ер бўлиб мен, кимсалар*
*томқилсалар,*
*Сен шу томга*
*лолақизғалдоқ бўл.*

Истеъдодли шоир Сирожиддин Саййид қаламига мансуб бўлган ушбу шеърнинг маънолари бисёр. Ана шу маънолар ичинда Ватаннинг шоирга, шоирнинг Ватанга айланиши мундарижаси ҳам мужассам бўлган.

*Дил пораси, кўз қораси,*
*Сен ўзингдирсан.*
*Менинг кўнглим сен*

## ШОИР ВА ВАТАН – БИР ЖОНУ БИР ТАН

*аслида,*
*Сен кўзимдирсан.*
*Томиримда томир ёйган,*
*Илк сўзимдирсан.*
*Илк оғриғим, илк*
*ёмғирим,*
*Найсоним, Ватан.*

Шоир шеъриятида Ватанга муҳаббатнинг изҳори ана шундай жонли, ҳаракатли тарзда ифодаланади. Шеъриятда «ташхис», яъни шахслантириш, жонлантириш санъати мавжуд. Ана шу санъатнинг гўзал намунаси бўлган шеърда Ватаннинг сурати ҳам, сийрати ҳам чизилади — сўзнинг ранглари намоён бўлади. Шоир ва Ватан сўзларининг бир жону бир тан эканлигига ишора этилади. Ушбу ишорада жон ва жон, ёҳуд жон ичра жон — жонажон деган бадиий-эстетик ғоя илгари сурилади.

*Ҳар тепа, ҳар дўнглик*
*турбатэмасдир,*
*Ҳар қандай айрилиқ*
*ғурбатэмасдир.*
*Ҳижрат саналмагай*
*ҳарҳажр, эй дўст,*
*Юртдан кетган ҳар зот*
*Фурқат эмасдир.*

Ушбу ғоя шеъриятда изоҳланмайди, ўқувчига тушунтирилмайди, балки рамзлар орқали ифодаланади. Нозик дидли шеърхон шоирнинг тилини — шеърни ана шундай ҳис этади. Сирожиддин Саййид мумтоз услубда •шеър ёзади. Туйғуларини мумтоз жанрларда ифодалайди. Ифодаларни халқнинг юрагига яқин воқеликлардан, миллий манзаралардан олади.

*Қулоқ солсам*
*шивирлагай,*
*Ҳатто тошларинг.*
*Ою қуёш, камалаклар,*
*Кўзу қошларинг.*
*Бешигимни*
*тебратгандир*
*Қалдирғочларинг.*
*Ою қуёш кўрпа солган*
*Айвоним Ватан.*

Қуюқ ташбеҳлар, нозик истиоралар, фавқулодда жонлантиришлар — ўзбекнинг қиёфасини кўрсатади, Ватанни улуғлайди, миллатни шарафлайди.

Ўзининг дилбар шеърияти билан бугунги ёшларга сабоқ берган таниқли шоир Усмон Азим шеърларида ҳам Ватан жонли тарзда тасвирланади. Тенгдошларим ичида энг илғор фаолиятли қаламкаш дўстларимдан бирови: «Усмон ака ҳамма нарсани жонлантира олади, ҳамма нарсага жон бахш эта олади», — деган эди. Худонинг инояти билан фақат шоиргина барча жонсиз нарсаларга жон бахш этиш хусусиятига эга. Зеро, шеъриятнинг энг асосий хоситларидан, сеҳрли синоатларидан бири ҳам шу. Шеърларда дарахт ҳам, тоғу тошлар ҳам, қумурсқалардан тортиб осмону фалакдаги ой, қуёш, юлдузларга қадар ҳамма-ҳамма нарса одамдай гапиради. Ҳамма нарсага одамнинг сифатлари берилади. Бундан мурод шуки, ўша нарсалар орқали одам ўзини, ўз туйғуларини, орзу-умидларини ифодалайди. Усмон Азим асарларида шеърий санъатнинг ана шундай шеърий жилвалари мавжуд. «Икки кўзи ёниб турар ҳаётнинг», «Графика», «Мен сени ҳеч кимга бермайман», «Майсага эзмайман деб айтдим» ва театр ҳақидаги шеърлари фикримизнинг яққол далилидир.

Усмон Азим ҳатто битта товушни ҳам катта манзарага, теран ифодага айлантира олади. Ватан ҳақидаги бир шеърида, сендан айтгани-чун таржимаи ҳол, тарихингга боқиб «Ў» дедим ва шундай бошладим исмингни, дейди шоир. Ватанимизнинг исми — Ўзбекистон сўзининг илк товушидан ҳайрат ва ҳаяжонни, фахр ва ғурурни, меҳр ва садоқатни тасвирлайди. Унинг Ватан ҳақидаги бундай шеърлари бир ўқишдаёқ ёдда қолиб кетади.

*Жавзо. Бир эрка шамол*
*Буғдойзорга урар тўш.*
*От елар, чавандознинг*
*Бир енги ҳилпирар,*
*бўш...*
*Опа, Ватан — улуғ дард,*
*Опа, Ватан боғ бўлсин.*
*Шеърда суратин*
*чизсам,*
*Тўрт мучаси соғ бўлсин.*

Айниқса,«Соғлом авлод йили» деб эълон қилинган мана шу йилда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда бундай шеърларнинг аҳамияти катта. Ва биз ҳар лаҳза ёниқ қалб, ҳароратли юрак, оташин нафасга йўғрилган нафосатни ҳис қилиб турамиз.

**Рустам МУСУРМОН.**



Касби туманидаги «Майманоқ» санаторий-профилакторийсида асосан асаб хасталиклари даволанади.

Замонавий тиббий асбоб-ускуналар беморларга аниқ ташхис қўйишда қўл келмоқда.

***Суратда: Сиҳатгоҳ бош ҳакими Олим Абдураҳмонов ҳамшира ва даволанувчилар билан суҳбатлашмоқда.***

**З.РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.**

# СПОРТ – СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

## МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ
### (13-19 март)

**ҚЎЙ (21.03-21.04).** Ҳафтанинг бошларида соғлиғингизга оид муаммоларга дуч келишингиз мумкин. Чоршанба куни меҳнат унумингиз яхшиланади. Жума куни молиявий жиҳатдан рағбатлантириласиз. Якшанбада можароларга тўқнаш келишдан эҳтиёт бўлинг. Ноқулай кун - шанба.

**БУЗОҚ (22.04-20.05).** Келаётган ҳафта кўп жиҳатдан ҳайрли бўлади. Ҳафта ибтидосида яхши харидлар қиласиз, хушхабарлар эшитасиз. Чоршанбада пулингизга пул қўшилади. Шанбада амалий битимлар тузиш имкони туғилади. Яхши кун - жума.

**ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06).** Ҳафта бошланишида молиявий қувватингиз ошади. Ҳафта ўрталарида табиат оғушида дам олинг. Шанбадаги амалий учрашувлар яхши самара беради. Якшанбада алданиб қолманг. Яхши кун - сешанба.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07).** Молиявий соҳадаги ишларни ҳафтанинг бошларида бажаринг. Чунки ҳафта ўрталарига бориб сизни лақиллатиб кетишлари мумкин. Дам олиш кунларида севган ёрингизнинг кўнглини олинг. Ноқулай кун - шанба.

**АРСЛОН (23.07-23.08)** Сешанбада пулингиз кўпайиб қолса, ажабмас. Ҳафта ўрталарига бориб можароларга дуч келишингиз мумкин. Якшанбада соғлиғингиз хусусида ўйлаб кўринг. Ноқулай кун - шанба.

**ПАРИЗОД (24.08-22.09).** Душанбада фойдали битимлар бўлиши мумкин. Чоршанбада хушхабарлар тинглайсиз. Дам олиш кунларида табиат оғушида ҳордиқ чиқарилса ёмон бўлмайди. Яхши кун - сешанба.

**ТАРОЗИ (23.09-22.10).** Сешанбада хабарлар эшитасиз. Чоршанбада ҳам хабар эшитасиз, лекин у ёлғон бўлиши мумкин. Пайшанбада пулингизга пул қўшилади. Дам олиш кунлари амалий битимлар тузиш ва ҳордиқ чиқаришга қулай. Ноқулай кун - жума. Яхши кун душанба.

**ЧАЁН (23.10-22.11).** Ҳафта сизга яхши хабарлар келтиради. Чоршанба ва пайшанбада молия ва бизнес соҳасида анчадан буён бажарилмаган ишларингиз рўёбга чиқади. Дам олиш кунлари севгилингизни бахтиёр этинг. Яхши кун - жума.

**ЎҚОТАР (23.11-21.12).** Ҳафта сизга бойиб олиш имконини беради. Душанба ва жума кунлари айниқса, қулай. Сешанбада саломатлигингизга эътиборни қаратинг. Пайшанбада кўнглингизга маъқул харидлар қилинг. Ҳафта ниҳоясида қалбингиз маҳбубасини шод этинг. Ноқулай кун - чоршанба.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01).** Ҳафта бошларида зиддиятларга тўқнашишдан эҳтиёт бўлинг. Сешанбада молиявий имкониятингиз яхшиланади. Жумада кўнглингиз маликасини бахтиёр этинг. Дам олиш кунлари амалий битимлар тузиш учун қулай. Яхши кун - чоршанба.

**ҚОВҒА (20.01-18.02).** Ҳафтанинг биринчи ярмида соғлиқ борасида муаммоларга дуч келишингиз мумкин. Лекин кейинги кунлари амалий битимлар тузишга ва молиявий ишларингизни йўлга қўйишга имкон туғилади. Дам олиш кунлари яхши воқеалар юз беради. Яхши кун - сешанба.

**БАЛИҚ (19.02-20.03).** Бу ҳафтада яхшигина пул жамғариш имконига эга бўласиз. Фақат имконни қўлдан бой бермасангиз бўлгани. Шанба куни амалий битимлар тузиш мумкин. Яхши кун - чоршанба.

***Чирчиқдаги от спорти мактабида ёшлар ўртасида тўсиқлардан сакраш бўйича Тошкент вилояти очиқ биринчилиги ўтказилди. «Соғлом авлод йили» ва Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган мазкур мусобақада республика олий маҳорат мактаби, «Улуғбек» номли ҳамда Тошкент вилояти от спорти мактабларининг 40 нафарга яқин тарбияланувчилари ғолиблик учун беллашдилар.***

## ЧАВАНДОЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

- Беллашувларда ёш чавандозлар учун отларни танлаш Осиё от спорти федерацияси андозасига асосан қуръа ташлаш йўли билан аниқланди, — деди мусобақа ҳаками Жўрақўзи Турдиматов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Дастлабки баҳслар 10-12 ёшли чавандозлар ўртасида кечди. Унда Мурод Нурмуҳамедовнинг (РОММ) «Формат» лақабли оти пешқадам бўлди. Евгения Клукова (Чирчиқ), Мусажон Содиқов (Улуғбек) минган тулпорлар навбатдаги ўринларни эгаллашди.

Иккинчи босқич баҳсларида 14-16 ёшли чавандозлар куч синашди. Унда «Улуғбек» спорт мактаби тарбияланувчиси Азиз Содиқов «Қорамаша» номли оти билан ғолиб чиқди. Шунингдек, олий маҳорат мактаби ўқувчиларидан Дилшод Тўйчиев ва Руслан Санжаповлар ўзларининг «Прибой» ҳамда «Эдгер» лақабли тулпорлари ёрдамида кейинги ўринларни банд этишди.

Мусобақа ғолиблари 13-18 март кунлари Тошкент шаҳри Отчопарида ўтказилажак беллашувларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**«Туркистон-пресс».**

## УНИВЕРСИАДАГА ЙЎЛ

Наманган шаҳрида бўлиб ўтадиган республика Универсиада мусобақалари учун саралаш баҳслари айни кунларда энг қизғин паллага кирди. Агар ўтган йили талабалар спортнинг беш тури бўйича ўзаро беллашган бўлсалар, бу йил мамлакатимиздаги мавжуд 64 та олий ўқув юртининг 4 мингга яқин талабалари 13 та спорт тури бўйича баҳслашмоқдалар. Бу эса ўз навбатида тобора талаба-ёшлар ўртасида оммалашиб бораётган Универсиада мусобақаларининг кескин ва муросасиз ўтишини таъминламоқда.

Куни кеча Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуида қўл тўпи бўйича қизлар ва эркаклар ўртасида бўлиб ўтган саралаш ўйинлари ўз ниҳоясига етди. 15 та олий ўқув юрти жамоалари иштирок этган беллашувларда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талаба-қизлари биринчи ўринни эгаллади. ЎзМУ жамоаси эса иккинчи ўрин билан кифояланди. Учинчи ўрин Тошкент Давлат Аграр университети қизларига насиб этди.

Эркаклар ўртасидаги баҳсларда ҳам Жисмоний тарбия институти жамоаси ва мезбонлар биринчи ва иккинчи ўринларни бўлишиб олган бўлсалар, Тошкент Давлат Алоқа институти спортчилари эса учинчи ўринни банд этдилар. Энди улар «Универсиада-2000»да ўз олий ўқув юртлари шарафини ҳимоя қиладилар.

Шунингдек, айнан шу спорт мажмуида давом этган шахмат мусобақалари ҳам якунига етди. Унда пойтахтимизнинг ўнга яқин олийгоҳидан ташриф буюрган ёш шахматчилар ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Қизиқарли кечган баҳсларда Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Алоқа институти жамоалари юқори шоҳсупаларни банд этиб, Универсиадада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

## ЁШ ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ — АМЕРИКАДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда теннисга бўлган эътибор ўз натижаларини кўрсата бошлади. Нафақат етакчи ракетка усталаримиз, балки, Ватанимиз теннисининг келажаги бўлган ўсмир ёшларимиз ҳам жаҳоннинг турли мусобақаларида муваффақият билан иштирок этмоқдалар.

Жанубий Америка қитъасида ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган Халқаро турнирларда ёш ҳамюртларимиздан Фаррух Дўстов ва Мурод Иноятовлар қатнашдилар. Чилидаги баҳсларда Фаррух ярим финалгача етиб борган бўлса, Мурод эса асосий сетнинг 3-босқичидан ўтди.

Аргентинадаги баҳслар вакилларимиз учун анча омадли келди. Ф.Дўстов финалгача ўз маҳоратини намойиш этиб мухлис ва мутахассислар олқишига сазовор бўлди. М.Иноятов эса Чилидаги биринчи турнир натижаларини такрорлади.

*Диққат, янгилик!*

## 100 КАТАКЛИ ШАХМАТ

Маълумки, миллионлаб инсонларнинг севимли ўйини бўлган ҳозирги шахмат ўйини 64 катакда 32 дона (оқлар ҳам, қоралар ҳам ҳар бири 16 та тошдан иборат) билан икки рақиб ўртасида ўйналадиган ўйиндир. Бироқ, шахматнинг ушбу усули ҳозирда кўпгина шахмат ўйновчиларни қониқтирмаяпти. Зотан, кўплаб етук шахмат мутахассислари ўйин яримламай туриб баҳс қандай натижа билан тугашини олдиндан айтиб беришлари мумкин. Бундан ташқари, юриш вариантларининг у қадар кўп эмаслиги ўйновчиларнинг ўйлаш, фикрлаш даражасини чегаралаб қўяди.

Яна бир гап. Сир эмаски, баъзи бир спорт турлари, масалан, футбол катта футбол, мини футбол, америкача футбол ёки шашка рус, француз, Лотин Америкаси шашкаси каби турларга бўлинади. Худди шу спорт турларидаги каби шахматни ҳам бир неча усулларда ўйнаш мумкинми?

Шахматга бўлган қизиқишим, меҳрим сабаб ана шу саволга жавоб топмоқ учун 35 йил давомида шахмат тарихини ўргандим. Унинг ҳозирги ҳолатида 48 минг позицияни ишлаб чиқиб, чуқур таҳлил қилдим. Фақат шундан сўнггина шахматни ҳам бир нечта усулларда ўйнаш мумкинлигига амин бўлдим. Булар қуйидаги усуллардир:

**1-усул.** 4х4=16 катакда ҳар бир ўйновчи 8 дона тошларда шахмат ўйнаш усули. Бунда биттадан шоҳ ҳамда фарзин, бир жуфтдан рух ва икки жуфт пиёда қатнашади.

**2-усул.** 6х6=36 катакда ҳар бир ўйновчи 12 дона тошларда шахмат ўйнаш усули. Бунда биттадан шоҳ ва фарзин, бир жуфтдан рух ва от ҳамда уч жуфт пиёда ўйналади.

**3-усул.** 8х8=64 катакда ҳар бир ўйновчи 16 дона тошларда шахмат ўйнаш усули. Бу ҳозирда ўйналаётган ўйиндир.

Юқоридаги уч усул шахмат ўйнашнинг энг содда усуллари бўлиб, улар мактабгача тарбияланувчилар ва кам малакали ҳаваскор шахматчиларга тавсия қилинади.

Қуйидаги шахмат ўйнаш усуллари эса анча мураккаб саналиб, уларни юксак малакали шахмат ўйновчиларга тавсия этиш мақсадга мувофиқдир.

**4-усул.** 10х10=100 катакда ҳар бир ўйновчи 20 дона тошларда шахмат ўйнаш усули. Бунда биттадан шоҳ ва фарзин, бир жуфтдан рух, от, фил ва "туя" деб номланган янги фигура билан бирга беш жуфт пиёда қатнашади. Янги "туя" фигурасини тахтага териш билан ҳаракатланиш ва ўйнаш тартиби махсус ишлаб чиқилган.

**5-усул.** 12х12=144 катакда ҳар бир ўйновчи 24 дона тошлардан шахмат ўйнаш усули. Бу ўйинда эса биттадан шоҳ ва фарзин, бир жуфтдан рух, от, фил, туя ва "оҳу" деб номланган янги фигура билан бирга олти жуфт пиёда ўйналади. "Оҳу"нинг тахтага териш, ҳаракатланиш ва ўйнаш тартиби махсус ишлаб чиқилган.

**6-усул.** 14х14=196 катакда ҳар бир ўйновчи 28 дона тошларда шахмат ўйнаш усули. Биттадан шоҳ ва фарзин, бир жуфтдан рух, от, фил, туя, оҳу фигуралари қаторига "кенгуру" деб аталувчи янги 2 дона фигура ҳам киритилган. Шунингдек, бу усулда пиёдалар сони 7 жуфтга етказилган. "Кенгуру"нинг ҳам тахтага териш, ҳаракатланиш ва ўйнаш тартиби махсус ишлаб чиқилган.

**7-усул.** 8х8=64 катакда ҳар бир ўйновчи 16 дона тошларда шахмат ўйнаш усули. Бу ўйинда биттадан шоҳ, фарзин, рух, от, фил, туя, оҳу ва кенгурилар билан бирга тўрт жуфт пиёда қатнашади. Фигураларни шахмат тахтасига териш тартиби, уларнинг ҳаракатланиши махсус ишлаб чиқилган.

Ушбу янгиликнинг бир қисми бўлмиш "100 катакли шахмат тахтасида 40 донадан иборат бўлган тошларда шахмат ўйнаш қоидаси" китобчаси ўтган йил Андижон вилояти Матбуот бошқармаси тасарруфидаги "Ҳаёт" нашриётида чоп этилиб, шахматсеварларга тақдим қилинди. Айни кунларда эса мазкур китобчанинг русча-инглизча нашри ҳам босмадан чиқиш арафасида.

Спорт ва санъат гўзалликларини ўзида мужассам этган шахмат борасидаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, буюк инсонларнинг барчаси ушбу "ақл ўйини" билан машғул бўлган эканлар. Яна бир қизиқарли факт шуки, дунёдаги энг бой одамларнинг 95 фоизини, олимларнинг 80 фоизини, шахмат бўйича жаҳон чемпионларининг 94 фоизини ташкил этувчи яҳудийларнинг 90 фоизи шахмат ўйнар эканлар.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, шахмат инсон тафаккурини бойитади, унинг кўзга ташланмаган ички қобилиятларини очади. Ўйлайманки, ушбу янгилик туфайли ҳам шахматсеварларга катта имкониятлар эшиги очилади. Ушбу янги шахмат ўйнаш усулларининг ҳам ўз шинавандалари пайдо бўлади.

**Абдумалик ЎРИНБОЕВ.**

## НУКУС ФУТБОЛ МАКТАБИ

Бундан 5 йил аввал, аниқроғи, 1996 йил Нукус шаҳридаги 30-касб-ҳунар билим юрти базасида махсус футбол мактаб-интернатининг очилиши Қорақалпоғистон футболида катта воқеа бўлган эди. Маълумки, бу билим масканн ўшанда Вазирлар Маҳкамасининг «Футболни ривожлантиришни ташкил қилиш асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига амалий жавоб тарзида иш бошлаганди. Ўтган қисқа вақт мобайнида футбол мактаб-интернати жамоаси бир қатор самарали ишларни бажаришга улгурди. Уни 71 нафар ёш футболчилар муваффақиятли битириб чиқди.

Футбол мактаб-интернатининг бугунги кундаги вазифалари эса янада тиғиз. Боиси қорақалпоғистонлик футбол ишқибозларининг фахри бўлган «Турон» (аввалги «Орол») жамоаси ушбу мавсумдан олий табақада тўп суради. Шунингдек, республиканинг олий ва биринчи табақаларида 40 га яқин жамоалар қатнашади, туман ва шаҳарларда, ўқув юртларида ҳам футбол жамоалари талайгина. Уларга эса ёш, истеъдодли футболчилар зарур. Буни яхши тушунган мактаб-интернат директори Б.Қунназаров раҳбарлигидаги 24 нафар мутахассис-ўқитувчи, 6 нафар тажрибали мураббий, 6 нафар мураббий-врач ҳамда ҳамширалар 165 нафар тарбияланувчиларга замон талаблари даражасида илм ва футбол сирларини ўргатмоқдалар.

Мураббий ва ўқувчилардан ташкил топган интернат футбол жамоаси мунтазам равишда энг нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, яхши натижаларга эришмоқда. Айни пайтда жамоанинг Қорақалпоғистон миллий чемпионатининг биринчи табақасида ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритганлиги масъулиятни янада ошириб юборди.

Шу билан бирга, билим масканининг кўплаб иқтидорли тарбияланувчилари мамлакатимиз олий лигаси вакили «Турон» ва Қорақалпоғистон Республикаси олий табақасидаги «Университет», «Нукуспединститут», «Умид» жамоалари таркибида тўп суриб, ўз маҳоратлари билан мухлислар меҳрини қозонмоқдалар. Айниқса, Ж.Наврўзбоев, А.Қутлимуродов, А.Бобожонов, А.Нуруллаев, Ж.Саекиев каби ёш футболчилардан умид катта.

Бироқ масаланинг яна бир жиҳати бор. Кези келганда, ўнлаб жамоаларга махсус малакали, етук кадрлар тайёрлаб бераётган, битирувчилари ишончни оқлаётган мазкур футбол мактаб-интернатида муаммолар сероб. Тўғри, баъзи муаммоларни бартараф этиш борасида амалий ишларга киришилмоқда. Жумладан, футбол мактабининг «Спартак» ўйингоҳида шу йилнинг биринчи ярмида топширилиши режалаштирилган спорт базаси қурилмоқда. Аммо, унинг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши амримаҳол. Чунки иш жуда суст бораётир. Шунингдек, республикада ягона бўлган мазкур спорт мактабининг бугунги кунда яна бир талай ўзига яраша муаммолари бор. Аксар ҳолларда мактаб жамоаси моддий жиҳатдан қийналиб қолаётир. Агар республикадаги ўзига тўқ футбол жамоалари, саховатталаб ташкилотлар бу спорт масканига баҳоли қудрат ёрдам қўлини чўзишса, моддий ва маънавий кўмак бериб туришса, бундан нафақат ҳар икки томон, балки бутун Қорақалпоқ футболи ютган бўларди.

**Абду РАҲМОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

Тошкент Автомобил йўллар институти қошидаги ёшларнинг «Камолот» жамоатчилик маркази фаолияти **ТЎХТАТИЛАДИ**.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб ўн кун мобайнида қабул қилинади.

ISHONCH

**МУАССИС:**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси*

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи;* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.00

Буюртма Г— 204.
1 2 3 4 5 6